

Камолиддин ЮНУСОВ



СОЦИОЛОГИЯ

ЎҚУВ ҚҰЛЛАНМАСИ


Андижон шаҳри 1997 йил

З. М. БОБУР НОМЛИ АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
УЗБЕКИСТОН СОЦИАЛ ФАЛСАФА ВА МИЛЛИИ
МАДАНИЯТНИ ТИКЛАШ МАРКАЗИ
АНДИЖОН БУЛИМИ

Камолиддин ЮНУСОВ.

СОЦИОЛОГИЯ

ЎҚУВ ҚУЛЛАНМАСИ



Андижон — 1997 йил

Тақриэчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор Т. АБДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент А. Ж. ХОЛБЕКОВ.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус мактаблари муаммолари институти гуманитар таълим ва тарбия бўлими бошлиғи, профессор М. К. ОРИПОВ.

З. М. Бобур номли ДУ илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Ушбу қўлланма Узбекистонда социология фани бўйича ўқув қўлланмаси яратиш йўлидаги дастлабки ҳаракатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Китобда социология фани, унинг жамият ҳәётидаги роли, функцияси, тарихий ривожланиш босқичлари, унинг назарий масалалари, махсус соҳалари, методологияси, ҳамда конкрет социологик тадқиқот ўтказиш усуслари баён қилинган. Социологик тадқиқот ўтказишнинг асосий йўналишлари, социология фанидаги асосий тушунчалар ва қоидаларнинг мазмуни ёритилган.

Қўлланма Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, аспирантлар, ҳамда социология билан қизиқувчи кенг итобхонларга мўлжалланган.

МУАЛЛИФ: фалсафа фанлари номзоди, доцент
Қамолиддин Абзолович ЮНУСОВ,

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш имкониятларини социология фани доирасида таҳлил қилиш, ўрганиш ва олинган илмий-назарий холосалардан амалиётда фойдаланиш мухим масала ҳисобланади. Мустақил Ўзбекистоннинг келгусидаги ижтимоий тараққиёт йўлини ўрганиш кўп жиҳатдан юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Жамият ҳәётида рўй берадиган жараёнларни билишда, мамлакатни бошқариш соҳаси бўйича мукаммал илмий назарияларни ишлаб чиқиша бошқа ижтимоий фанлар қаторида социологиянинг аҳамияти каттадир.

Хозирга қадар Узбекистонда социология фан сифатида кенг ривожланмаган бўлиб, бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Биринчидан, совет тузуми даврида социологияга фан сифатида етарлича эътибор берилмаган, иккинчидан, бунинг оқибатида, социология фани мутахассислари етарлича тайёрланмаган; учинчидан, унинг назарий асослари етарлича ўрганилмаган; тўртинчидан, социология фанининг мукаммал ишлаб чиқилган ва бозор муносабатлари шароитини ҳисобга олган илмий дастури ҳанузгача яратилгани йўқ.

Хозирда ижтимоий фанлар, жумладан, социология фани олдида ижтимоий-иқтисодий давр хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтиш жараёни ва унинг келгусидаги ижтимоий оқибатларини ўрганиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Социология доирасида бу муаммоларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари диалектик боғлиқ ҳолда олиб қаралиши шарт. Жамият ҳәётининг ҳар бир алоҳида олинган тизимлари эса хусусий ва конкрет социологик тадқиқот асосида ўрганилади.

Турғунлик йилларида кўпгина олийгоҳ ва илмий тадқиқот институтлари реал ҳаётдан муайян даражада ажралиб қолганлиги сир эмас. Социология фанининг асосий ижтимоий вазифаларидан бири ҳам шундай ажралишларниг олдини олишдан иборат.

Ўзбек тилида социологияга оид адабиётларнинг йўқлиги ҳам бу фанинг ривожланишига тўсиқ бўляпти. Рус тилидаги мавжуд адабиётлар ҳам эскириб, ҳозирги давр талашибига жавоб бермайди. Улар эски, маъмурий-расмиятчилик тузуми сиёсати доирасида ёзилган.

Тошкентда 1993 йили Узбекистон социологларининг асоциацияси тузилган эди. Аммо унинг фаолияти ҳозиргача жамиятимиз ҳаётини тўла ўрганиш имкониятларига эга бўлмаяпти. Вилоятларда мазкур ташкилотнинг бўлимлари йўқ.

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврининг иқтисодий қийинчилклари социологияни ривожлантириш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Шуни яхши англамоқ зарурки, аввалда юрган, алмисоқдан қолган эски арава конструкцияси билан янги, замонавий ракета куриб бўлмаганидек, эски концепциялар асосида шаклланган, жамият ҳаётини бир томонлама тушунтиришга асосланган ва ҳозирги давр талабларига жавоб бермайдиган социологик таълимот билан бозор муносабатларига асосланган мураккаб ижтимоий жараёнларни ҳар томонлама, тўлалигича тадқиқ қилиб бўлмайди. Farb социологиясининг илфор ютуқларидан кенг фойдаланилган ҳолда социология фанига янгича ёндашиш мақсадга мувофиқdir.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда мустақил Узбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида рўй берадиган туб ўзгаришлар эътиборга олинди ҳамда Farb социологик таълимотлари методологиясидан унумли фойдаланилади. Китобда ёритилган мавзулар ҳаётимизда борган сари кўпроқ мазмун касб этадиган бозор муносабатлари хусусиятларини, қонуниятларини ифода этишга йўналтирилган.

Китобнинг биринчи боби социология фани предмети, таркибий тузилиши ҳамда назарий ва амалий социология ҳақида бўлиб, унда социологиянинг жамият ҳаётида тутган ўрни, ижтимоий вазифалари, ижтимоий ва гуманитар фанлар билан алоқаси тушунтириб берилган.

Қўлланманинг биринчи бобидан ўрин олган жамиятнинг умумсоциологик масалалари (3-, 4-мавзулар) — жамиятнинг ижтимоий таркиби, ижтимоий муносабатлар бозор муноса-

батларига ўтиш даври шароитида рўй берадиган ўзгаришлар асосида тушунтиришга уринилди.

Қўлланманинг иккинчи боби маҳсус соҳалар социология сига бағишлиган бўлиб, унда жамият ҳаётининг иқтисодиёт, меҳнат, сиёsat, бошқарув, маданият, шахс, турмуш тарзи, оила, ёшлар, таълим, илм-фан, шаҳар ва қишлоқ, этносоциология каби муҳим соҳалари социологик обьект сифатида баён қилинган. Бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият ҳаётининг бу соҳаларида рўй берадиган ўзгаришлар, бу ўзгаришларнинг моҳияти ва уларни социологик жиҳатдан ўрганишнинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Учинчи боб эса эмпирик социологик тадқиқот методологияси, услубиёти ва усулларини ёритишига бағишлиган. Унда социологик тадқиқот моҳияти, уни ўтказиш йўллари, асосий босқичлари тўғрисида фикр юритилади. Бу бобда эмпирик маълумотларни олиш усуллари, услубиёти ҳамда социологик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, холоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тушунтирилади.

Хотима ўринда эса социологик тадқиқот натижаларидан амалий ҳаётда фойдаланиш ва «ижтимоий муҳандислик» хусусида фикр билдирилган.

Муаллиф қўлланмани тайёрлашда ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам кўрсатган Узбекистон Олий ва ўрта маҳсус мактаблари муаммолари институти гуманитар таълим ва тарбия бўлими бошлиғи профессор М.К. Орипов ва Farbona ДУ социология бўлими бошлиғи профессор Т. Абдуллаевларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ҮРНИ

1. Социология фани ишмани ўрганади?
2. Социологиянинг таркибий тузилиши. Назарий ва амалий социология.
3. Социологиянинг ижтимоий ва гуманитар фанлар билан алоқаси.
4. Социологиянинг ижтимоий вазифалари.

I. Социология фани ишмани ўрганади?

Социология (латинча „sosietas” — жамият ва юонича logos — тушунча, таълимот маъносини англатиб) жамиятнинг таркибига киравчи алоҳида институтлар, тизимлар, гуруҳлар, ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги фандир. Демак, умумий маънода социология жамият тўғрисидаги фандир.

Социология фан сифатида XIX асрда шаклланиб, бу тушунча фанга француз файласуфи Огюст Конт томонидан киритилган. Социология социал фалсафанинг масалаларини янада конкретлаштириш, эмпирик социал тадқиқотнинг ривожланиши оқибатида шаклланди.

Маълумки, О. Конт фалсафаси «позитивизм» номи билан машҳур. У фалсафани фан ва методология сифатида рад этади. Унингча, «позитив фалсафа»нинг асосий мақсади хусусий фанлар умумий хуласаларини умумлаштириш вазифасидан иборат бўлган. Бу принципни социологияга ҳам тадбиқ қилган. Унинг социологияси эмпирик маълумотларни тўплаш ва кузатишдан иборат эди. Эмпирик маълумотларни фалсафий жиҳатдан умумлаштириш эса рад этилган. Илмий назариясиз ва методологиясиз жамият ҳаёти тўғрисидаги эмпирик маълумотларни илмий жиҳатдан умумлаштириб бўлмайди. Улар нари боргандা, субъектив хуласалардан иборат бўлиб қолаверади.

Америкалик социолог Дж. Смелзер ўзининг «Социология» дарслигида социология жамият тўғрисидаги фан эканлигини таъкидлайди. Аммо, бундай таъриф, бизнингча, анча умумий тарзда бўлиб, социологиянинг фан сифатидаги аниқ чегаравий мазмунини, моҳиятини белгилаб беролмайди. Чунки, ижтимоий фалсафа, иқтисодиёт назарияси, сиё-

сатшунослик, тарих, маданиятшунослик каби кўплаб ижтимоий ва гуманитар фанлар ҳам жамият ҳаётини ўрганади.

Социологияни фан сифатидаги ўзига хос хусусиятини аниқлаш учун, энг аввало, унинг тадқиқот обьектини ва предметини аниқлаб олмоқ керак. Бизнингча, жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий ўзаро алоқадорлик, ижтимоий функционал муносабатлар, уларни юзага келиши ва оқибатлари социология тадқиқот обьекти сифатида амал қиласи. Социология ўзининг тадқиқот усуслари, услубиёти ва методологияси ёрдамида бу жараёнларни илмий асосда ўрганади. Айрим олинган шахсдан бошлаб оила, ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар, ташкилотлар, бирликлар ва бошқа тизимлар ўртасидаги ижтимоий-функционал муносабатлар, уларнинг юзага келиши, амал қилиши ва ижтимоий оқибатлари социология тадқиқот обьекти сифатида ўрганилади. Бошқа ижтимоий ва гуманитар фанлардан фарқ қилиб, социология ижтимоий ҳаёт жараёнларини уч босқичда: аниқ-эмпирик, хусусий ва умумий тарзда ўрганади. Шунга мувофиқ равишда социология эмпирик социологик тадқиқот, маҳсус социологик тадқиқот ва умумсоциологик тадқиқот жараёнларини ўз ичига олади.

Социология фани предмети тадқиқот ўтказиш фаолияти натижаси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун, социологиянинг тарихий ривожланиши босқичлари давомида унинг предмети тўғрисидаги тушунча ҳам ўзгариб борган.

Турли социологик таълимот ва йўналишлар вакиллари социология фани предмети тўғрисида турлича фикрлар билдирилганлар. Бу, энг аввало, ҳар қандай ижтимоий ва гуманитар фанлар предмети каби тадқиқот олиб бориш фаолиятига боғлиқ бўлганлигидандир. Масалан, социология фани асосчиси О. Конт социологияни жамият тўғрисидаги позитив фан деб ҳисоблаган. Э. Дюркгейм эса социология предметини ижтимоий маълумотлардан иборат деб билган¹. Немис социологи Г. Зиммелнинг таърифича, социология — хусусий ижтимоий фанларнинг билиш назарияси². Яна бир немис социологи М. Вебернинг фикрича, социология ижтимоий хулқ тўғрисидаги фандир³. Ижтимоий хулқни М. Вебер инсоний

1. Э. Дюркгейм, О разделении общественного труда. Метод социологии, Москва, 1991. 435-446 бетлар.
2. История Французской социологии XIX-начале XXв. Москва, 1979. 183-бет.
3. М. Вебер. Наука как призвание и профессия. Избранные произведения, Москва, 1990. 627-628-бетлар.

муносабатлардан иборат деб билган. Йисоний хулқ эса ўз наубатида ижтимоий моҳиятга эгадир.

Машхур рус социологи П. А. Сорокиннинг социология фани предмети тўғрисидаги фикри умумий маънога эга бўлиб, у «жамият ёки ижтимоий ҳодисалардан иборат»,⁴ деб хисоблаган. Жамият эса руҳий ўзаро алоқадорликка эга бўлган бирликлар мажмудан иборат. Социология ҳудди шундай ўзаро алоқадорликлардан иборат жамият ҳаётини ўрганиди.

Совет даври социологларидан В. А. Ядовининг фикрича, «социология — жамиятнинг бир бутун организм эканлиги, ижтимоий муносабатларнинг бир бутунлиги тўғрисидаги фан»⁵. Яна бир машхур социолог Г. В. Осипов «Социология» ўқув қўлланмасида социология — ижтимоий тизимларнинг функционаллашви ва ривожланиши тўғрисидаги, умумий ва ўзига хос ижтимоий қонун ва қонуниятлари, бу қонун ва қонуниятларнинг шахс, ижтимоий бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятидаги юзага келиш ва амал қилиш шакллари тўғрисидаги фан, — деб таърифланган⁶.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, социология ижтимоий бирликлар, ташкилотлар, жараёнлар ва муносабатларнинг юзага келиши, функционаллашви ва ривожланиши қонуниятларини ўрганиувчи фандир.

Жамиятнинг ривожланиб бориши билан социологиянинг мазмуни ҳам янада бойиб, ривожланиб боради. Янги мазмундаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тарққий қилиб бориши, социологиянинг ўрганиш обьекти ўзгариб бориши билан унинг ўзи ҳам ривожланиб боради. Тадқиқот усуллари эса янада мукаммаллашади.

Ҳозирда, янги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврида жамиятимиз ҳаётида бир қатор сифатий ўзгаришлар рўй бермоқда. Эскириб қолган, ишлаб чиқариш муносабатлари янгилашиб. Шунинг учун ҳозирги давр социология фани аввалги совет тузуми давридаги хусусиятлардан кескини фарқ қиласди.

Иқтисодий муносабатлар таркибини ўрганишда социологиянинг аҳамияти бекиёсdir. Президент Ислом Каримов баён қилган беш тамойилдан биринчisi: иқтисодиёт сиёсат устидан

4. П. А. Сорокин. Человек. Цивилизация. Общество. Москва. 1992: 27-бет.

5. Социологические исследования. Москва. 1990. № 2.

6. Социология. Москва, «Мысль», 1990, 25-бет.

ҳукмрон бўлиши, уни ҳар қандай мафкурадан озод қилиш лозим. Иқтисодиёт ўз қоидаларига асосланиб ривож топиши керак,⁷ — деган қоидага кўра иқтисодиётни асосий ижтимоий тизим сифатида социология фани доирасида ўрганиш жамиятнинг бошқа жиҳатларини ўрганишга асос бўлади.

Турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий манбаатлар ўртасидаги зиддиятларни фақат бостириш, зўравонлик йўли билан ҳал этиб бўлмайди. Буни тарих тақрор ва тақрор исботлаб берган. Социология фани илмий жиҳатдан таҳлил асосида давлатни, ижтимоий муносабатларни бошқаришга ҳар томонлама кўмаклашади.

Социология миллий мафкурани шакллантириш, яратиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Эскириб қолган дунёқараш, эскича моддий ва маънавий муносабатлар ўз ўрнини янгилига осонликча бўшатиб бермайди. Бунинг учун маълум вақт керак. Социология шу вақт давомида маънавиятда рўй бертаётган ўзгаришларни аниқлашга ва илмий асосга эга бўлган тадбирлар ишлаб чиқиши хизмат қиласди.

Мустақил миллий давлатимиз ижтимоий тизимидағи мавжуд системалар таркиби-функционал ҳолатини социологик тадқиқотлар орқали аниқлаш ва ўрганиш муаммоси ҳам ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Уларнинг ичидаги миллый тузилиш ва турли миллатларнинг ўзаро аҳил яшашини таъминловчи омилларни кучайтириш йўлларини аниқлаш; оила, ёшлар билан боғлиқ бўлган мавжуд муаммоларни жиддий таҳлил қилиб, реал тадбирлар ишлаб чиқиши ва ҳаёта тадбиқ қилиш; ҳозирда фаолият кўрсатадиган мавжуд салбий ҳарактердаги турли гуруҳлар: гиёҳвандлар, рэкет, ишсизлар, бекорчи саёклар, ўзгалар ҳисобига кун кечирадиган бошқа тузилмаларнинг мамлакат сиёсий вазиятига, иқтисодиётига, маънавиятига ва кишиларнинг ижтимоий турмуш тарзига етказадиган катта зарарига ва бу гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш каби муаммоларни ўрганиш муҳимдир.

1. Мулоқот. 5-, 6-сон, 1993 йил, З-бет.

2. СОЦИОЛОГИЯНИНГ ТАРКИБИИ ТУЗИЛИШИ. НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ СОЦИОЛОГИЯ.

Ҳозирги замон социологияси мураккаб таркибий тузилишга эга бўлиб, совет тузуми давридаги бир томонламаликдан холи бўлди. Фақат танқидий кўз билан қараблан ва инкор қилинганд «буржуа социологияси» эришган ютуқлардан, унинг афзал томонларидан кенг фойдаланиш имконияти юзага келди. Материализм ва идеализм ўртасига қўйилган баланд «Хитой девори» ҳам олиб ташланди. Унда руҳият, маънавият масалаларини, умуминсоний, миллий ва бошқа қадриятларни кенг ва чуқур ўрганиш — муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Социология фан сифатида, энг аввало, диалектик методологияга таянади. Жамият ҳёти социология фани доирасида умумсоциологик, маҳсус социологик назариялар ва эмирик социологик тадқиқотлар асосида ўрганилади. Умумсоциологик назарияга мисол сифатида К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ишлаб чиқилган жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ишлаб чиқариш муносабатларига ўзаро мувофиқ келиши қонуни; ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгиланиши қонуни; америкалик Т. Парсонс ва Р. Мертонларнинг структурал-функционализм таълимоти, янги индустрнал жамият таълимоти ва бошқа гарбий Оврўпа ва Америка олимларининг таълимотларини келтириш мумкин.

Ҳозирда социологияда маҳсус социологик назариялар сифатида иқтисод социологияси, меҳнат социологияси, турмуш тарзи, шаҳар ва қишлоқ, бошқариш ва ташкил қилиш, сиёsat, маданият, илм-фан, таълим, шахс, оила, ёшлиар, бўши вақт, тиббиёт, этносоциология, қизиқишлар, ижтимоий ўзгарышлар ва бошқа социологик соҳаларни кўрсатиш мумкин.

Умумсоциологик назариялардан фарқ қилиб, маҳсус социологик назариялар мажон ва замон жиҳатдан нигебати торчегаралангандир. Уларнинг яна бир асосий фарқи: умумсоциологик таълимотлар умумижтимоий ималиётда текинийледи, синволди ва таъдилинили; маҳсус социологик назарияларнинг ҳулихилири ва уларнинг тасдиғи эса эмпирик тадқиқотлар, ижтимоий экспериментлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Умумсоциологик назарияларнинг мазмуни жамият ривожланишининг асосий йўлини белгиловчи динамик қонуниятга асосланган бўлади. Маҳсус социологик назариялар эса статик — муайян бир ижтимоий даражада доирасидаги ўзгаришларни ифодалашп мумкин,

Ҳар қандай умумсоциологик назария моҳият эътибори билан маҳсус социологик назариялар мазмунига мувофиқ бўлиши шарт. Чунки, маҳсус социологик назариялар аниқ амалий тадқиқотлар орқали текшириб борилади. Ўз навбатида умумсоциологик назария маҳсус социологик назариялар учун ҳам назарий, ҳам методологик асос бўлади. Масалан, ҳозирда Узбекистонда бозор муносабатларига асосланган ижтимоий тараққиёт концепцияси маҳсус социологик назариялар учун ягона, умумназарий ва методологик асос бўлиб хизмат қиласди.

Умумсоциологик ва маҳсус социологик назариялар социология фанининг назарий жиҳатини ташкил қиласди. Ҳозирда конкрет ва хусусий социологик тадқиқот сифатида ахамияти ортиб бораётган амалий социология эса конкрет социологик тадқиқот усуллари ёрдамида маҳсус социологик соҳалар доирасида олиб бориладиган тадқиқотлардан ва улардан олинадиган хуласалардан иборат бўлади.

Социологик билим ва усулларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган уч даражаси, ҳамда назарий ва амалий социология ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб, ягона социология фанини ташкил қиласди.

Назарий социология жамият ижтимоий ҳётининг умумсоциологик, ҳамда умумилмий даражалардаги функционал ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиади. Масалан, ҳозирда Узбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш концепцияси ва жамият ҳётида бозор муносабатларини таркиб топиб бориш жараёнини ўрганиш назарий социологиянинг асосий тадқиқот обьекти ҳисобланади. Шу билан бирга, назарий социологияда ижтимоий ҳётининг иқтисодиёт, сиёsat, маший турмуш, маънавият каби алоҳида соҳаларининг функционал ва ривожланиш қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари ҳам илмий-назарий асосда ўрганилади.

Амалий социология инсон фаолиятини, жамият ҳётининг турли соҳаларини, жараёнларини бевосита амалий асосда ўрганади. Амалий социологияда эмпирик тадқиқотлардан олинган илмий маълумотлар назарий жиҳатдан умумлаштирилади. Фақат шундагина назарий социологияда олинган тадқиқот натижалари ижтимоий ҳёти воелигини, унинг функционал ва ривожланиш қонуниятларини тўғри, обьектив равишда очиб бера олади.

Амалий социология әмпирік тадқықот усулларын өрдама олиб бориладиган ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай жағдайниң үрганишга қаратылған тадқықотни англатади. У үзиншіллік иккі жиҳати билан характерланади: биринчидан, унға комплекслық хос бўлиб, тадқықот объекти бир бутун ҳолда олиб қаралади. Шу жиҳатдан социология доирасида бошқа ижтимоий фанларнинг усулларидан фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, объектив ва субъектив омиллар бирлигини ташкил қилувчи инсон фаолиятининг натижаси бўлган ижтимоий жараённи үрганади. Амалий социологияда назарий асосда тадқиқ этилган жамият ҳаётининг функционал ва ривожланиш қонуниятларидан амалий мақсадларда фойдаланиш усулларини, воситаларини ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйлади. Шу жиҳатдан амалий социология ўзининг эмпирик хусусиятига эга ва назарий социология билан узвий боғлиқ.

Бозор муносабатларининг таркиб топиши оқибатида юзага келаётган кўплаб қийинчиликлар ва мураккаб ижтимоий жараёнларни үрганишда, айниқса, микросоциологиянинг аҳамияти ортиб бормоқда. Гурвич ва Морено назарияларини ўз ичига олган микросоциология кичик социал гуруҳлар, шахслар ўртасидаги бевосита ижтимоий муносабатларни тадқиқ қилишдан иборат. Масалан, оила, кичик жамоалар, мактаб, маҳалла ва мавзеларнинг ижтимоий муаммоларини ўрганиш — ана шу тадқықотлар вазифасига мансубдир.

Социология фанининг асосий талабларидан бири — үрганилаётган муйян ижтимоий жараёнга боғлиқ бўлган илмий мәълумотларнинг тўлалигича олиниши зарурлиги. Ҳозирги замон социологиясида, жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси ўзаро узвий боғлиқ бўлган ижтимоий тизим сифатида олиб қаралмоқда. Объектив воқеликка бундай ёндашиб алоҳида олинган объектни илмий таҳлил қилишни бирмунча енгиллаштиради.

Тадқиқ этилаётган ижтимоий тизим характеристига қараб социология назария кенг ёки тор аҳамиятли бўлиши мумкин. Улар ўзаро иерархик тузилишга эга бўлиб, хусусий назариялар умумий назариялар доирасида амал қиласи ва уларга бўйсунади. Масалан, конкрет социология тадқиқот умумилмиy характердаги тадқиқот даражасига ва умумсоциологик қонуниятни үрганиш даражасидаги назарияларга асосланади. Шу асосда айримликдан умумийликка қараб ва аксинча бориш принципи амал қиласи.

Социологияда конкрет илмий мәълумотларни олиш катта аҳамиятга эга. Бундай илмий мәълумотларни тўплаш статистик тадқиқот, системали кузатув, таққослаш, мәълумот сўраш, интервью олиш, анкета ўтказиш каби эмпирик тадқиқот усуллари ёрдамида олинган илмий мәълумотлар махсус социологияк назария ва усуллари ёрдамида тадқиқ ва таҳлил қилинади, илмий холосалар чиқарилади.

АҚШда асеримизнинг 50-йилларидан бошлаб шаклланган Парсонс ва Мертонларнинг таркибий-функционал таҳлил мактаби социологиянинг эмпирик тадқиқот даражаси қонуниятлари ва усулларини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Уларнинг социологияк билим доирасидаги тадқиқот усули дунё бўйича барча ижтимоий ва табиий фанларга тадбиқ қилинди ва методология даражасига кўтарилиди.

Ҳозирда ҳам бу таълимотдан социология ва бошқа барча фанлар доирасида муваффақиятли фойдаланилмоқда. Шунинг учун, системали - таркибий - функционал таҳлил — ҳозирги замон социологиясининг методологик асосларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

3. СОЦИОЛОГИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА ГУМАНИТАР ФАНЛАР БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАСИ

Ҳар бир алоҳида олинган катта-кичик ижтимоий тизим тарихий ривожланиш жараёнида жамиятнинг бошқа тизимлари билан диалектик муносабатда бўлади. Шунинг учун, айрим олинган ижтимоий тизим тадқиқи жамият тараққиётининг умумий қонуниятига ўзаро мос тушгандагина тўтири ва объектив характерга эга бўлади. Ижтимоий воқелик занжиридаги бирон-бир ҳалқа тадқиқотчининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас.

Ижтимоий ҳаёт масалаларини үрганиш доираси кенгайиб бораётганилиги сабабли социология фани ҳам, унинг үрганиш объекти ҳам борган сари кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Масалан, ҳозирги замон социологияси асосида «фанлар социологияси», «маданият социологияси», «эргонотика», «бошқарув социологияси», «микросоциология» каби соҳалар шаклланди. Иккинч томондан, социологиянинг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан диалектик алоқадорлиги кучайиб бормоқда. Социологиянинг иқтисодиёт, фалсафа, ҳуқуқ фанлари, этика, психология, педагогика, тарих, экология каби фанлар билан алоқадорлиги бозор муноса-

батларининг таркиб топиши жараёнида янада ортмоқда. Кеинги йилларда унинг техника фанлари билан ҳам ўзига хос алоқадорлиги кучайиб бормоқда. Социологияда борган сари математика фани ва усулининг аҳамияти ортмоқда.

Иқтисод фанлари билан социологиянинг диалектик алоқадорлиги моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол жараёnlарини ўрганишда намоён бўлади. Айниқса, ҳозирда бозор муносабатларига ўтиш, меҳнатга янгича муносабат шаклланиши жараёнида унинг аҳамияти жуда катта. Иқтисодиёт социологияси, меҳнат социологияси каби социологиянинг маҳсус соҳалари иқтисодиётга боғлиқ масалаларни ўрганади ва муаммоларни ҳал этишга хизмат қиласди. Шу жиҳатдан социология иқтисод фанлари билан, уларнинг ўрганиш обьекти билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий назариянинг илмий гоялари юқорида тилга олинган социология соҳалари учун методологик асос бўлиб хизмат қиласа, ўз навбатида, шу соҳаларда олиб боримган илмий тадқиқот натижалари иқтисод фанларининг ривожланишига, иқтисодиёт муаммоларини ҳал этишга хизмат қиласди.

Социология фалсафа фани билан узвий боғлиқдир. Социал фалсафа қонун ва категориялари бевосита умумсоциологик назария ва концепцияларни ўз ичинга олади. Маҳсус социологик назариялар учун эса назарий ва методологик асос бўлади. Умумсоциологик ва маҳсус социологик назарияларнинг ривожланиши ўз навбатида мазкур давр ижтимоий фикрини шакллантиради, унга назарий ва амалий маъба бўлиб хизмат қиласди. Социологик тадқиқот эмпирик маълумотлар, экспериментлар ёрдамида ижтимоий фалсафий таълимотларнинг қанчалик тўғри, мазкур ижтимоий давр мазмунига мос ёки уларнинг эскириб, ижтимоий тараққиёт талабига жавоб беролмай қолганлигини аниқлаб бериш имкониятига эга. Аммо, социология ҳар қандай сиёсий ва идеологик тазиқдан холи бўлсагина унинг юқорида кўрсатилган илмий қиммати сақланади.

«Мустақил Ўзбекистонда таркиб топаётган ҳуқуқий муносабатлар асосида ва ўзига хос шарқона анъаналарга мос равишда қонунчиликни қайтадан барпо қулишда социология ва ҳуқуқшунослик фанлари алоқадорлиги муҳимdir.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириб, уни янада ривожланишида жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқий ташкилотлар фаолиятини янги давр талаблари асо-

сида ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муносабатлар соҳаларидаги таъсирини такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Сир эмаски, кейинги вақтда жиноятчилик ортди. Олиб борилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки ҳозирда содир этилаётган жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари анчага ортган. Шунингдек, ҳар тўрттадан бир жиноят спиртли ичимликлар ичиш оқибатида юз бермоқда. Жиноятларнинг қарийб ярми эса доимий иш жойига эга бўлмаган, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган кимсалар томонидан содир этилмоқда. Жиноятчиларнинг ши бўйича функционал таҳлил қилинганда шу нарса аён бўлмоқдаки, содир этилаётган жиноятларнинг асосий қисми 18-24 ёшдагилар ҳиссасига тўғри келади. Уртача олганда ҳар 5 тадан бир жиноятчи вояга етмаганлар эканлиги ташвишлидир. Жиноятчиларнинг турлари ичида давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш кўпчиликни ташкил қиласди. Биргина Андижон вилояти миқёсида 1995 ва 1996-йилларда содир қилинган жиноятларнинг 80 фоизини давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш ташкил этди.

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш--давлат аҳамиятидаги масала ҳисобланади. Унга қарши кураш жиноят содир этилгандан сўнг эмас, балки унга қадар олиб борилмоғи лозим. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг тубмоҳиятини, мотиви ва келтириб чиқараётган сабабларини ўрганишда социологик тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Демак, ҳуқуқ фанларининг ривожланишида ҳам социологиянинг ўрни каттадир.

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, миллий онгнинг ривожланишида, ҳозирги мураккаб иқтисодий ўтиш даврида кишилар, ижтимоий гурӯхлар ўртасидаги маънавий муносабатлар, тамойил ва нормаларнинг ички моҳиятини, ривожланиш хусусиятларини ўрганишда социология билан ахлоқшунослик фанларининг диалектик ўзаро алоқадорлиги жуда ҳам зарур. Социологик тадқиқот асосида ахлоқ фани жамият ҳаётидаги ўз мавқенини янада оширади.

Жамият ривожланиши билан кишиларнинг эстетик эҳтиёжлари ҳам ўзгариб, янада ривожланиб боради. Кишилардаги бундай эҳтиёжни ўрганиш ва ижобий сифатларни шакллантиришда, тарбиялашда социологик тадқиқотларнинг натижалари, холоса ва таклифлари ўзининг илмий қим-

матига эга. Шу жиҳатдан социология фани нафосат (эстетика) фани билан ўзаро боғлиқ.

Нафақат санъат соҳасида, умуман, кишиларнинг маънивий дунёқарашибаги ўзгаришларни илмий билишда социологик тадқиқотлар ўтказиш ва улардан кенг фойдаланиш доирги замон жамиятшунослик фанларининг энг долзарб масалаларидан биридир.

Инсоннинг ижтимоийлик моҳияти биринчи наубатда кишилар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Шахснинг феъл-авори, дунёқараши, инсонийлик сифатлари — атроф ижтимоий муҳитда, кишилар билан бўлган ўзаро муносабатларда ифодаланади ва баҳоланади. Янги иқтисодий муносабатларга ўтиш шаронтида кишилардаги ўзини кўзлаш, ўз шахсий манфаатини жамият, миллат манфаатидан устун кўришлик ҳоллари кучаймоқда.

Кишиларда бўҳаловатлик, асабийлик ортоқдо. Одамлардаги асабийликнинг ортиши худди юқумли вирус каби тез тарқалиб, ижтимоий муаммолага айланмоқда. Ушбу муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиб борища социология билан психология фанларининг ҳамкорлиги муҳимdir.

Бозор муносабатларига ўтишининг дастлабки қадамлари, айниқса, таълим-тарбия жараёнида жуда катта таъсири кўрсатмоқда. Ўқувчи ёшлар дунёқарашида кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Нафақат ўқувчи-ёшларда, балки педагог ўқитувчилар таркибида ҳам жиддий муаммолар келиб чиқмоқда. Ўқувчилар онгода илмдан қайтиш, фанга эътиборсизлик, енгил меҳнат эвазига яхши яшаш, кўп пул топиш «инстинкти» кучайган.

Юқоридаги фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкин: миллий педагогика ҳозирда социологик тадқиқотларга жуда муҳтождир. Бу тадқиқотларнинг натижалари қанчалик бешафқат бўлмасин, улардан тўғри хулосалар чиқариш ва амалий тадбирлар ишлаб чиқиш давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Социология ва тарих фанлари жамият ҳаётини изчил, системали тарзда ўрганди. Ўтмиш тарихимизни яратища буюк тарихчи мутафаккирлар социология усулларидан кенг фойдаланганлар. Чунончи, тарихий маълумотларни, манбаларни тўплаш, уларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш, тарихий шахслар эсдаликларидан, тарихий воқеалар гувоҳларининг хотираларидан кенг фойдаланилган. Масалан, ат-Термизий, Истомийл Бухорий каби ҳадисшунослар, Абу Райҳон Беруний,

Шарофиддин Али Яздий, Хондамир, Херман Вамбери каби буюк мутафаккир олимлар ўзларининг тарихга оид қимматли асарларини яратища социология усулларидан унумли фойдаланганлар.

Тарихий воқеаларга бой бўлган бугунги куннимиз эртапги келажагимиз учун ўтмиш саҳифаларига айланади. Шундай экан, ҳаётимизнинг кенг қамровли соҳаларининг илмий социологик тадқиқи ва таҳлили натижалари тарих фани учун хизмат қилиши табиий.

Асримизнинг кейинги босқичида жамият билан табиат ўртасидаги муносабатнинг кескинлашуви — социологиянинг табиатшунослик фанлари билан алоқадорлигини қучайтиргди. Инсоннинг табиатга, табий муҳитга таъсири ортиб бормоқда. Экологик, демографик вазиятнинг кескинлашуви социология фанини бевосита ушбу муаммоларни ҳал этишга жалб қиласди.

Ҳозирги замон социологиясини математикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Математик усулларсиз социология мавҳум бир қараваш бўлиб қолади. Айниқса, унинг эмпирик даражадаги конкрет социологик тадқиқот ўтказишдаги ўрни катта.

Ҳозирги замон ғарб социологияси кибернетик усуллардан, ахборот назарияси, ўйни назариялари билан муваффақиятли ривожлантирилган. Уларда маҳсус математик усуллардан — ларзка кўрсаткичли, омиллік, сабабли ға сиртдан таҳлил қўлланилмоқда. Социологик тадқиқотларни олиб борища юксак даражадаги компьютер, ҳисоблаш технологияларидан кенг ва унумли фойдаланилмоқда.

Ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти асирида социология ва техника фанлари алоқадорлиги табиийдир. Чунки, «инсон — техника», «жамият — техника», «маний турмуш — техника» каби тизимларни илмий ўрганиш социология ва техника фанлари зиммасига ягона вазифани юклайди. Инсон яратган барча техника фақат инсон ва жамиятининг ижобий тараққиётига хизмат қиласни. Аммо, доимо кутилган натижага бўлавермайди. Уларни ўрганишда эса социологиянинг роли бекиёсдир.

Жамият ҳаёти ва инсон фаолиятининг турли жиҳатларини ўрганиш жараёнида, юқорида юми тилга олинган фанлар таркибида ижтимоийлик йўналиши мавжуд бўлади. Шу жиҳатдан, ўз наубатида уларнинг социология фани ривожланишидаги аҳамияти каттадир. Социологик тадқиқот жарагёнида ижтимоий ва гуманитар фанлар, айниқса, фалса-

фа фанинг билиш усуллари ва тушунчаларидан кенг фойдаланилади.

Хозирда ижтимоий психологиянинг социология фани ривожидаги аҳамияти ортмоқда. Шунинг учун ҳам гарб социологиянда ижтимоий психология масалалари мұхим үрін тутади.

Жамиятимиз ҳаётида янги ижтимоий-иқтисодий мұносабатларининг таркиб топиши ва ривожланиши кишилар, ижтимоий гуруҳлар хүлқида, ижтимоий фаолиятида, рухиятида жиддий ўзғаришлар ясамоқда. Янги иқтисодий мұносабатларнинг таркиб топиши жараённанда кишилар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги мұносабатлар асосини моддийлік, моддий әдтиежларни қондириш «инстинкт» күпроқ әгаллаб бормоқда. Бошқача айтганда, жамият тараққиетидеги барча ҳодисалар айрим олинган шахсдан то кишиларнинг ижтимоий бирикклари рухиятида ҳам акс этади.

Юқоридаги фикрлардан холоса қилиб айтганда, социология ижтимоий психология орқали ижтимоий-рухий жараёнларі и тадқиқ қилиш имкониятiga эга бўлади.

4. СОЦИОЛОГИЯНИНГ ИЖТИМОИИ ВАЗИФАЛАРИ

Жамият тараққиетидеги социология бир неча ижтимоий вазифа (функция)ларни ўтайди. Улардан, билиш функцияси ва амалий функция бўлиб, ўзларининг йұналишларига эгадир.

Социология ўзининг билиш функцияси орқали жамият тараққиетининг объектив қонунларини, конкрет ҳаёттй жараёнларни илмий асосда ўрганади.

Мавжуд ижтимоий воқеликдаги жараёнларни ўрганиш билан жамият ҳаётининг келгусидаги ривожланиш хусусиятларини олдиндан пайқаш, таҳдил қилиш учун хизмат қилиш вазифасини ҳам бажаради. Шу асосда илмий қоидалар, назария ва тадбирларни қанчалик ҳаёттй эканлигини аниқлаш вазифасини бажаради. Ижтимоий билиш илмий социологик назария ва услубиётини ишлаб чиқиша мұхим аҳамиятга эга.

Ўзининг эмпирик билиш даражаси ва ўсууллари билан социология амалий функцияяга ҳам эга. Амалий функция билан билиш функцияян узвий боғлиқдир. Ижтимоий тараққиёт қонуниятларини, тенденцияларини социологик тадқиқот орқали амалий жиҳатдан ўрганиш жамиятни илмий бошқариш ва режалаштириш, прогноз бериш учун асос бўлади. Шунинг

учуны ҳар бир вилоят ва шаҳарларда социологик тадқиқотлар ўтказиш, улардан олинган илмий натижаларни республика миқёсида марказлашган илмий лабораторияларда умумлаштириш — давлат аҳамиятига молик масаладир.

Бозор мұносабатига ўтиш жараённанда бундай илмий хулосалар амалий аҳамиятга эга бўлиб, мустақил Узбекистон тараққиётини илмий асосда бошқаришни таъминлайди. Янги иқтисодий мұносабатлар таркиб топиши ва ривожланиши билан социологиянинг амалий функциясининг аҳамияти ҳам ортиб боради.

Айниқса, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида меҳнатни ташкил қилиш, ишсизлікни бартараф қилиш, аҳоли моддий турмуш даражасини күтариш каби долзарб муаммаларни ҳал этиб боришида социологиянинг амалий вазифаси яққол кўринмоқда.

Шундай қилиб, социология кишилик жамияти равнақига, унинг порлоқ келажагига хизмат қылмоги лозим. Шу йўлда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда Узбекистонда социология фанинг ривожланиши учун тўла имконият ва шарт-шаронт яратилиши мақсаддага мувофиқдир.

Фанинг объектив ривожланиши эса кўп жиҳатдан мавжуд сиёсий тузумга, режимга боғлиқ бўлади. Амалий ва назарий социология эса ўз навбатида жамиятни илмий-режали бошқаришда давлатга жуда катта ёрдам бериш имкониятга эга. Бунинг учун: фан сифатида социологиянинг назарий ва амалий томонларини ривожлантириш; шу соҳаининг маалакали мутахассисларини тайёрлашга эътибор бериш; вилоятларда, олий ўқув юртларида социологик илмий лабораториялар ташкил қилиш; уларни давлат томонидан моддий жиҳатдан рағбатлантириш; замонавий компьютер ва ҳисоблаш технологияси билан таъминлаш зарур.

СОЦИОЛОГИЯНИНГ ВУЖУДГА ҚЕЛИШИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1. Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий қарашларига доир.
2. Социологиянинг фан сифатида вужудга қелиши. Унинг вужудгага қелишидаги ижтимоий — тарихий шарт-шаронт ва илмий-назарий манбалар.
3. Социологиянинг фан сифатидаги асосий ривожланиш босқичлари; классик, ноклассик, марксистик ва XX аср Америка социологияси.

4. Советлар мамлакатида ва Ўзбекистонда социология фани ривожланиши.

Социологияни фан сифатида тасаввур этишда унинг вужудга келиши ва тарихий ривожланиши босқичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Социология фан сифатида қачон вужудга келди? Энг аввало шуни унутмаслик керакки, социология — бу, жамият тўғрисидаги фан. Ижтимоий муносабатларни, жамиятнинг турли соҳаларидағи ўзига хос жиҳатларни, умумий ва хусусий қонуниятларни, жараёнларни ўрганади. Ижтимоий ҳаёт ривожланиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган таълимотлар, қарашлар эрамиздан аввалги IV асрдаёқ юонон файласуфлари Афлотун (эр. авв. 427-347 й.) нинг «Қонунлар», «Давлат тўғрисида», Арасту (эр. авв. 384-322 й.) нинг «Сиёсат тўғрисида», «Метафизика», «Этика», Протагорнинг (эр. авв. 490-420 й.) «Ҳақиқат» каби асарларида ёритилган.

1. Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий қарашларига доир.

Марказий Осиёнинг буюк мутафаккирлари бўлмиш Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо каби улуғ алломалар ўз даври ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларини илмий асосда тадқиқ қылганлар ва ўзларининг ижтимоий қарашларини асарларида ёзиб қолдиргандар.

Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал-мадания» каби асарларида олийжаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қылган. У ўзи яшаган даврнинг ижтимоий тизимини, унинг зиддиятлари ва бу зиддиятларининг келиб чиқишидаги муаммоларни назарий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган. Давлат ва жамият масаласида давлатни ижтимоий тизими бошқарувчи ташкилот деб, уни муваффақиятли бошқариш эса кўп жиҳатдан давлат бошлиғи, ҳокимнинг характеристига, фазилатларига боғлиқ деб билган. «Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи, — деб таъкидлайди Форобий, — шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат — фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур».¹

Булар жумласига: ҳокимнинг тўрт мучали соғ-солим бўлиб, ўзига юклangan вазифаларни осон бажариши лозим;

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 1993 й., 159-б.

нозик фаросатли, хотираси яхши, зеҳнли, фикрини равшан тушунтира оладиган, билем, маърифатга ҳавасли бўлиши; таом ейишда, ичимлиқда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бўлмаслиги, ўзини тия оладиган бўлиши ва ҳақиқатни севадиган, ёлғон ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган, олийҳиммат бўлиши, олий ишларга интилиши зарур; мол-дунё кетидан қувмайдиган; табиатан адолатпарвар, истибод ва жэбрзулмни ёмон кўрувчи, саботли, журъатли, жасур-бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадисирашларга йўл қўймаслиги каби хислатлар киради. «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлнинг ижтимоий жиҳатларини шахсий кузатишлари, илмий ган ҳар бир одам касб ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар»² — каби фикрлари Форобийнинг жамият ҳаётини чуқур таҳлил қилганлигидан далолат беради.

Абу Райхон Беруний ўзининг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар», «Минерология», «Ҳиндистон» асарларида ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритган. «Минерология» асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий аҳволи, ердаги бурчи, олийжаноблиги, шунингдек жамият ҳаёги, ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган.

Беруний том маънода ўз даври этносоциологи ҳам эди. «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида турли ҳалқлар: форслар, юонлар, яҳудийлар, христиан — моликийлар ва христиан — настурийлар, мажусийлар, собитлар, бутпараст араблар, мусулмон араблар, турклар тўғрисида; «Ҳиндистон» китобида эса ҳинид жамиятининг ички тузилиши тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Бу гўзал мамлакат ҳалқлари, уларнинг урф-одатлари, йил, ой ва тарихий саналари, оиласий муносабатлар, маросимлари, никоҳ масалаларини ўрганган. Беруний ҳиндларнинг байрамлари, яхши кунлар ва ёмон кунлар тўғрисидаги ақидаларни ҳам ёзиб қолдирган. Беруний илмий ижодида, жамият ҳаётини ўрганишда илмий кузатиш, таққослаш, тавсифлаш каби социологиянинг эмпирик усуllibаридан кенг фойдаланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома» асарида

1. Уша жойда, 130-бет.

ўз даври ижтимоний ҳаёти воқелигини, инсон шахси хусусиятларини, яхши ва ёмон томонларини. Андижондан — Ҳиндистонга қадар бўлган улкан ҳудудда яшаган ҳалқларнинг ижтимоий жиҳатларини шахсий кузатишлари, илмий тадқиқотлари асосида ўрганган ва ёзиб қолдирган.

Юқорида номлари зикр қилинган буюк мутафаккирлар яшаган, даврда социология ҳали мустақил фан сифатида шаклланмаган эди.

Уларнинг ижтимоий ҳаёт жараёнлари тўғрисидаги илмий тадқиқотлари натижалари эса ижтимоий-фалсафий қарашлар тарзида намоён бўлган.

2. Социологиянинг фан сифатида вужудга келиши. Унинг вужудга кёлишидаги ижтимоий-тарихий шарт-шароит ва илмий-назарий манбалар.

Социология нисбатан мустақил фан сифатида қачон вужудга келди? Тарих шунга гувоҳлик берадики, француз файласуфи Огюст Конт (1798-1857) томонидан 1839 йилда «Позитив фалсафа курси» асарининг учичи томи чоп этилгандан бошлаб «социология» фанига асос солинди. У ўз асарида биринчи бўр жамият ҳаётини ўрганиш вазифасини бажарадиган «социология» тушунчасини қўллаган. О. Конт ўз таълимотини позитив, яъни илмий асосланган фалсафа деб баҳолади. Дастрраб позитив билим математика, физика, астрономия, химия, кейинчалик биология соҳасида қўлланилди. Кейинчалик социологияда қўлланилчи эса — унинг энг юқори даражага эришганлигини билдиради. «Позитив усул» илмий кузатишлар, эксперимент ва таққослаш усуллари ёрдамида тўпланган эмпирик маълумотларни назарий таҳлил қилишни ифодалайди. Аслида жамият ҳаётини ўрганишга қаратиладиган бундай усул Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан қарийб минг йиллар аввал қўлланилган ижтимоий ҳаёт жараёнларини ўрганиш усулларидан уччалик кескин фарқ қилмайди. Асосий фарқ фақат шундан иборатки, яиги давр Фарбий Оврупо фани ижтимоий тадқиқот шакли Ўрта аср Шарқи ижтимоий ҳаётидан тубдан фарқ қилувчи, яиги ижтимоий муносабатлар мазмунига, ўзига хос томонларига эга бўлган жамият тузумини — капитализмни ўрганишга қаратилган эди. Ижтимоий-иқтисодий, маданий юксалишга эришадиган Фарбий Оврупо ҳаёти ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таназзулга, ўрта аср турғунлигидан чиқа олмаган Шарқ мамлакатларига нисбатан илмий билимлар ривожланшига яиги муҳит ва қулай шароит яратиб берди. Бунинг

оқибатида жамият ҳаётини тобора сиистемалӣ, мўкаммал ўрганишга қаратилган социология фан сифатида шаклланди ва янада ривожлана бошлади.

Социология фан сифатида таркиб топишида яна бир муҳим омил — меҳнат тақсимоти ва кооперацияси қонунинин очилиши сабаб бўлди. Бу ўз навбатида жамият тарихида муҳим роль ўйнади. Чунки, бунинг оқибатида ижтимоий ва касбий гуруҳлар социологик тадқиқот обьекти сифатида ўрганила бошланди.

О. Конт социологиянин икки қисмга ажратади: социал статика ва социал динамика. Социал статикада ижтимоий тизимларнинг шарт-шароити ва функционал қонуниятлари ўрганилишини кўрсатади. Унда ижтимоий институтлар оила, давлат, дин кабилар тадқиқ этилади. Социал динамикада эса, О. Конт ижтимоий прогресс ривожлапишини назарда тутиб, у жамиятнинг маънавий ва ақлий ривожи иносоният тараққиётининг ҳал қилувчи омили, деб қарайди. Бу тамоилий ҳозирги замон социологияси таркибида ҳам ўз мазмунини, илмий қимматини сақлаб қолган.

Социологиянинг фан сифатида таркиб топишидаги ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар ва унинг, назарий манбалари нимадан иборат эди?

XIX асрнинг 40-йиллари Фарбий Оврупо мамлакатларида ижтимоий-сиёсий аҳвол нотинч эди. Франция, Англия мамлакатлари ижтимоий муносабатларида кескин зиддиятлар вужудга келган эди. Социал инқилоблар Фарбий Оврупони ларзага сола бошлади. Шундай шароитда О. Конт, Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, М. Вебер каби социология асосчилари жамият тараққиетини ислоҳотлар асосида олиб бориши зарурлиги тўғрисидаги фикрларни илгари сурдилар. Худди шу даврнинг мутафаккирлари К. Маркс ва Ф. Энгельслар эса ўзларининг жамият ҳаётини инқилобий йўл билан ривожланиб бориши таълимотини илгари сурдилар. Шундан бошлаб то СССР парчаланиб кетгунига қадар социология икки қараша-қарши ғоявий йўналишда ривожланиб келди. Булар: бизда «буржуа социологияси» номи билан аталиб келинган Фарбий Оврупо ва АҚШ да ривожланган социология ва «марксистик социология». Ҳар икки йўналиш учун ҳам XIX асрнинг 30-50 йилларида яратилган: немис олимлари Шван ва Шлейденлар томонидан (1838-1839 йиллар) хужай-ранинг каشف қилиниши; инглиз олими Ч. Дарвин томонидан

ишилаб чиқпилган турларнинг эволюцион назарияси илмий асос бўлиб хизмат қилди.

Капитализмининг жадал ривожланиши оқибатида жамият ҳайтида бир қатор долзарб муаммолар юзага келди. Йирик сапоат тармоқларнинг вужудга келиши оқибатида шаҳар иҳодиси сони жадал суръатда орта бошлади. Ижтимоий-сиййисий онглиниг ривожланиши билан кең омма, айниқса пролетариат синф сифатида шаклланиб, уларнинг уюшқоқлиги орта борди. Шу билан бирга, уларнинг қашшоқлашувиининг оғриши, буларнинг барчаси социал зиддиятларнинг кучашига сабаб бўлди. Шундай қилиб, бир томондан жамиятнинг ижтимоий «хасталиги» орди, бошқа томондан эса, бу «хасталикни» даволовчи, ўзларининг «ижтимоий муолажаларини» тақлиф қилиб, социологик тадқиқотлар орқали жамият ҳайтини тартибга келтиришга уринган кишилар — социологлар ишайдо бўлди.

Англия ва Францияда капитализмининг жадал ривожланиши билан боғлиқ холда, шу мамлакатларда жамиятнинг ижтимоий ривожланиш муаммоларига бағишланган илмий ишилар олиб борилди. Жон Сиклернинг 21 жилдан иборат «Шотландиянинг статистик тавсифи», Фридрих Энгельснинг «Англияда ишчилар синфининг аҳволи», Чарлз Бутнинг «Лондон кишиларининг ҳайти ва меҳнати», Андре Геррининг «Франция ахлоқий статистикаси очерклари», Фредерик Ле Пленинг 6 жилдлик «Европа ишчилари» асарлари шулар жумласидандир.

XIX аср йирик статистларидан Адольф Кетленинг 1835 йилда чоп этган «Инсон ва қобилият ривожланиши тўғрисида, ёки ижтимоий ҳаёт тажрибаси» асари амалий социологик тадқиқот методологияси ва услубиётини ишилаб чиқишида, умуман, социологиянинг фан сифатида вужудга келишида катта аҳамият касб этди.

3. Социологиянинг фан сифатидаги асосий ривожланиш босқичлари: классик, ноклассик, марксистик ва XX аср Америка социологияси.

Социологиянинг фан сифатида шаклланишига асос солган, унинг классик вакиллари О. Конт, Г. Спенсер, Э. Дюркгеймлардир. Социологиянинг классик методологияси қўйидаги 4 та тамойилдан иборат бўлган: 1) Ижтимоий ҳаёт барча воқеаликка умумий хос бўлган қонуниятга бўйсунади. Ҳеч қандай ўзига хос, алоҳида ижтимоий қонунлари бўлиши мумкин эмас. 2) Шунинг учун социология табиатшунослик

фанлари каби тузилмоғи керак. 3) Ижтимоий тадқиқот усуллари ҳам аниқ ва қатъий бўлиши зарур. Бутун ижтимоий ҳаёт ҳодисалари худди табиат ҳодисалари каби миқдорий тавсифланмоғи лозим. 4) Ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги билимларнинг илмийлиги унинг мазмуни объективлиги мезони билан белгиланади. Социологик билимлар ҳар қандай субъектив таассусотлардан, ақлий-назарий ҳукмлардан холи бўлмоғи зарур.

Социал воқелик бизнинг унга муносабатимиз қандай бўлишидан қатъи назар, қандай бўлса, шундайлигича тавсифланмоғи керак. Бошқача қилиб айтганда, социология ҳар қандай мағкурадан ва қадрият ҳукмларидан холи бўлиши талаб қилинади.

Классик социологиянинг йирик намоёндаларидан бири, француз социологи Э. Дюркгеймдир (1858-1917). У ўзининг 1895-йилда ёзган «Социологик усул қоидаси» асарида социологияни социал маълумот сифатидаги предметини таърифлаб беради. Э. Дюркгейм фикрига кўра, социология социал маълумотларни билишга асосланмоғи керак. Унингча, социал маълумотларни объектив реал равишда эътироф этмоқ социологик усулнинг асосий талабидир. «Социология, — деб ёзади Э. Дюркгейм, — қанчалик ихтиёслашган бўлса, фалсафий мушоҳада учун шунчалик бой, ўзига хос маълумотлар етказиб беради!».

Социологиянинг ноклассик типи немис файласуғ — социологи Г. Зиммель (1858 - 1918) ва М. Вебер (1864 - 1920)-лар томонидан ишилаб чиқилган. Ушбу методология асосида жамият ва табиат қонунларининг бутунлай қарама-қарши эканлиги тушунчаси ётади.

Г.Зиммель ва М. Веберлар социологик билимлар предмети сифатидаги «жамият», «халқ», «инсоният», «жамоатчилик» каби тушунчаларни рад этадилар. Улар социологик тадқиқот предмети фақат индивид бўлмоғи керак, деб ҳисоблайдилар. «Социология, — Г. Зиммельнинг фикрича — хусусий ижтимоий фанларнинг билиш назариясидир».² У жамиятнинг умумсоциологик қонунларини рад этиб, шундай фикрларни ёзади: «Ижтимоий ривожланиш қонунлари тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Албатта, ҳар қандай ижтимоий

1. Э. Дюркгейм. Метод социологии. Москва. 1991. 524б.
2. История буржуазной социологии XIX-начала XX в. Москва. 1979. 188-б.

үнсур ҳаракати табиий қонунларга бўйсунади; аммо, умумий жамият қонуни йўқ: бунда, барча табиатдагидек, қонунлар устидан ҳукмронлик қиласидиган қонун йўқ. Шунинг учун, биз ҳар қандай икки бир хил ижтимоий шаронтда мутлақо бошқа-бошқа ҳодисаларни келтириб чиқарадиган кучни била олмаймиз».

М. Вебер эса қадриятли ҳукмлар доим шахсий ва субъектив хусусиятга эга деб билган. Улар ахлоқий, сиёсий ёки бошқа қарашлар билан боғлиқ, деб ҳисобланади. М. Веберда социал билишнинг асосий қуроли «идеал тип» ҳисобланади. Идеал типлар — бу социал тарихий реалликни таққослаш орқали билиш тўғрисидаги тушунча. Унингча, барча социал маълумот социал тип билан тушунтирилмоғи лозим. Вебер давлат типлари ва рационаллик типлари каби социал фаолият типологиясини илгари суради. «Капитализм», «бюрократизм», «дин» ва шу каби идеал типларга асосланади.

К. Маркс (1818 - 1883) ва Ф. Энгельс (1820 - 1895)нинг жамият тўғрисидаги материалистик таълимоти социологиянинг классик ва ноклассик типларининг ўзига хос синтези сифатида вужудга келди. Марксизмда социология предмети жамиятнинг асосий ривожланиш қонуниятларини, унинг ижтимоий бирликлари ва институтларини ўз ичига олади. Жамият тараққиётини материалистик тушунишнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?

1) Тарихий материализмнинг асосий тамойилларидан бири ижтимоий ривожланиш қонуниятини эътироф этиш. Ҳақиқатдан ҳам К. Маркс жамият тарихи ривожланишининг умумий қонуниятини кашф этди.

2) К. Маркс ва Ф. Энгельс жамият ҳаётидаги амал қиласидиган хилма-хил, кўплаб ижтимоий муносабатларни, бошқаларининг белгиловчисини аниқлаш зарур деб билдилар. Бу ижтимоий муносабатлар — моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули бўлиб, су ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат. «Кишилар ўз турмушини ижтимоий ишлаб чиқаришда уларнинг иродаларига боғлиқ бўлмаган, муайян, зарур муносабатларга — ишлаб чиқариш муносабатларига киришадилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари ривожининг муайян, босқичига мувофиқ бўлади.

...Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман социал, сиёсий ва маънавий ҳаёт жараёнларини белгилайди. Кинни-

1. Г. Зиммель. Социальная дифференциация. Москва, 1909, 13-б.

ларнинг онги уларнинг борлигини белгиламайди, балки, аксинча, уларнинг ижтимоий борлиги уларнинг онгини белгилайди?

3. Жамият тўғрисидаги материалистик таълимотнинг яна бир муҳим тамойилни жамият ҳаётининг прогрессив ривожланиб бориши ҳарактерига эга эканлиги. Шу тамойил асосида Маркс ва Энгельс ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги қонуниятни очдилар.

4) Табиий-тарихий жараёнлар табиатдá рўй берадиган жараёнлар сингари қонуниятили, зарурият орқали содир бўлиб, ўз моҳиятига кўра объектив ҳарактерга эга. Аммо, табиат ҳодисаларидан фарқ қилиб, жамият ҳодисалари стихияли тарэза эмас, балки унда яшовчи кишиларнинг онги фаолияти натижасидан иборатdir.

Жамият ҳаётida ҳеч бир ҳодиса кишилар онгида акс этмай содир бўлмайди.

5) Г. Зиммель ва М. Вебер социологик қарашларидан фарқ қилиб, Маркс ва Энгельс социологик қарашларидан эмпирик социологик маълумотлар ва назарий хулосалар «тарихий давр манфаатлари»га — пролетариат манфаатларига қаратилган эди. В. И. Ленинда бу ёндашув партияйвийлик тамойили сифатида янада ривожлантирилди. Бу эса, жамият тараққиёти тўғрисидаги барча «буржуача» социологик таълимотлар ноилмий деб, инкор этилишига олиб келди. Умуминсоний қадриятлар ўрнини синфи, партияйий қадриятлар эгаллади.

ХХ аср 20-йилларидан бошлаб жаҳон социологиясининг маркази Фарбий Оврўподан АҚШга кўди. АҚШ да социологиянинг фан сифатида жадал ривожланишида қўйидаги омил муҳим роль ўйнади. Капитализмнинг юқори босқичга кўтарилиши, Оврўпода синфи курашнинг кучаюви натижасида АҚШда мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий зиддиятларни ҳал этишга қаратилган эмпирик тадқиқотларнинг катта ҳажмда тўплланганлиги АҚШ да социологиянинг фан сифатида жадал ривожланишига сабаб бўлди.

Фарбий Оврўпода социология узоқ вақт социолог олимларнинг шахсий жонбозликлари асосида ривожлантирилган эди. Масалан, О. Конт ва бошқа кўплаб социологлар доимий иш ҳақига эга эмас эдилар. АҚШ да социология университет-

1. К. Маркс. Сиёсий иқтисод таънидига доир. Сўзбози. К. Маркс, Ф. Энгельс. 13-т, 7-б.

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИДАН АМАЛИЙ ФОЙДАПАНИШ.

ХОТИМА УРНИДА

Социологик тадқиқот натижаларини илмий ва юксак савияда тахлил қилиш улардан ижтимоий бошқарув амалиёттида унумли фойдаланиш ймконини беради. Эмпирик маълумотларни тахлил қилиш ва умумлаштириш жараёндаёқ ўрганилаётган объектнинг муҳим жиҳатлари кўрина бошлайди. Бу жиҳатларни назарда туттан холда илмий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш, социологик тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш учун асосий восита бўлиб хизмат қиласди.

Социологик тадқиқот натижаларидан амалиётда фойдаланиш босқичи — иккιёқлама жараён бўлиб, унда олимлар, илмий ходимлар ҳам, амалиётчилар ҳам фаол иштирок этади.

Баъзи социологлар, фанинг асосий вазифаси аниқ маълумотлар йиғиб, зарур хулосалар ва ўрганилаётган ижтимоий муаммо хусусида зарур таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат, уларни ҳаётга, амалиётга тадбиқ қилиш эса жамоат ташкиллотлари, маъмуриятнинг иши — деб ҳисоблайдилар. Бундай қараш илмий маълумотлар ва уларни бошқарувдаги ечими ўртасида узилишга олиб келди. Бизнингча, ҳар икки босқич ягона илмий-амалий дастур асосида бўлмоғи мақсадга мувофиқ.

Социологик тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этишининг турли шакллари ва усувлари мавжуд. Унинг муҳим шаклларидан бири, олиб борилган тадқиқот натижаларини мавжуд раҳбарият поғонаси (маъмурият, касаба уюшмаси, бўлинма ва бошқалар) ва тадқиқот гуруҳлари (масалан, ишчи бригадаси, талабалар гуруҳи кабилар) олдида

химоя қилиш. 2. Яна бир шакли, тадқиқот натижаларини китоб шаклида, услубий қўлланма, мақолалар тўпламида ва Матбуотда нашр этиш.

3. Социологик тадқиқот натижалари бўйича олимларнинг радио ва телевидениеда чиқишилари ҳам ўзига хос амалий аҳамият касб этади. 4. Илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, симпозиумлар ташкил этиш ва ўтказиши каби шакллари жуда муҳим аҳамиятга эга.

Социологик тадқиқот натижаларидан амалий фойдаланишида социал-психологик марказлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Афсуски, бундай марказлар бизнинг республикамизда жуда кам. Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида шундай марказлар ташкил қилинса, жамиятимиз инфраструктурасидаги мавжуд муаммоларнинг ҳал қилиб борилишида жиддий ўзгаришлар юз берини аниқ.

Хозирда амалий социологияни муваффақиятли ривожланиши аниқ амалий вазифаларни мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш билан боғлиқ. Аммо, шуну кўрсатиб ўтиш жоизки, ҳозиргача бизда бунга етарлича эътибор берилмаятти. Социология фанинг жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий-амалий роли жуда паст даражада. АҚШ ва Оврупо мамлакатларида қенг ривожланган «ижтимоий муҳандислик» касби бизда етарлича ривожланмаган. Ижтимоий муаммоларга муҳандисона ёндашуvgа аҳамият берилмаётir.

«Ижтимоий муҳандислик» концепциясини биринчи бор ишлаб чиқкан инглиз файласуфи ва социологи Карл Поплер фикрича, «ижтимоий муҳандислик» инсон фаолияти ва жамият ҳаётини оқилона асосда таъмиrlаш демакдир. Ижтимоий ҳаёт муаммолари «муҳандислик» фаолиятининг натижасидагина тўғри ҳал қилиниши мумкин. «Ижтимоий муҳандислик»нинг асосий вазифаси ҳам шундан иборатdir.